


МАВЗУ: ЭЛЕКТР ЮРИТМА


МАВЗУ БЎЙИЧА РЕЖА:

1. Электр юритма таърифи қисқача тарихи.
2. Электр юритмаларнинг классификацияси.
3. Электр юритма механикаси.
4. Статик юклама. Динамик юклама.

Электр юритма таърифи.



Механик юритмалардан энг афзали электр моторли юритма бўлгани учун стационар иш машинаси ва механизмларнинг асосий юритмаси сифатида электр моторли юритмадан кенг фойдаланилади. Электр моторли юритма қисқача электр юритма дейилади.



Электр юритма билан электр энергиясини механик энергиясига айлантириб, бу механик ҳаракатни электр усулда бошқариш имкони олинади. Демак электр юритма асосан, электр мотори, узатма ва моторни бошқарувчи электр жихозлардан иборат бўлади.

Электр юритма тарихи.

1838-йилда рус олими Б.С.Якоби ўзи ясаган ўзгарсмас ток электр мотори билан кемани ҳаракатга келтириб, биринчи электр юритмани яратган. Аммо у вақтда тежамли ток манбалари бўлмаганлиги сабабли саноатда қўллаш мумкин бўлмади. 1889-91 йилларда рус олими М.О.Доливо-Добровольский томонидан 3 фазали трансформатор, 3 фазали асинхрон мотор ва 3 фазали тизимнинг юлдузча ва учбурчак схемалари кашф этилиши электротехника ва электр юритманинг кескин ривожланишига сабаб бўлди. Хозирги кунда қуввати бир неча Вт дан бир неча минг кВт гача электр юритмалар яратилган ва яратилмоқда.

Электр юритма классификацияси..



Электр юритма классификацияси..

Трансмиссияли электр юритмалар. Мотор ҳаракатини пўлат арқон ёки тасма ёрдамида корхона цехларидаги бош трансмиссияга узатувчи юритма умутрансмиссияли электр юритма деб аталади.

Электр мотор ҳаракатини бир қанча иш машиналарига узатувчи юритмани **группавий** электр юритма деб аталади.

Якка моторли электр юритмалар. Хар бир иш машинаси ёки механизмининг ўзига тегишли алоҳида электр мотори бўлган юритма **якка моторли электр юритма** дейилади.

Электр юритма классификацияси..

Электр мотори иш машинасидан алохида ёки унинг тузилишига ўзгартиришлар киритмасдан ўрнатилган юритма **оддий якка моторли** электр юритма деб аталади.

Электр моторлари иш органидан алохида ўрнатилган бўлса, бундай машина ёки механизм юритмалари **оддий кўп моторли** электр юритмалар деб аталади.

Электр моторлари мураккаб машинанинг иш органларига бевостиа ўрнатилса бундай юритмани индивидуал **кўп моторли электр** юритма деб аталади.

Электр юритма механикаси

Статик юклама — ишчи механизм ўқидаги моторнинг ўқидаги моторнинг ўқи билан механизм ўқи бириктирилгандаги статик қаршилик моменти каби узатмалардаги ишқаланишнинг қаршилик кучи билан ифодаланади.

Динамик юклама - электр юритманинг барча ҳаракатланадиган қисмларидаги тезликнинг ўзгариши, улардаги кинетик энергия захирасининг ўзгариши билан ифодаловчи динамик момент билан аниқланади.